

АНЪАНАВИЙ ВА ЕРГА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎСИМЛИК РИВОЖИГА ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ .

О.Р.Эргашев ТИҚХММИ 2-босқич магистранти

Аннотация

Мақолада, оддий усулда экин экиш ҳамда ерга нол ишлов бериш технологиялари орқали экилган ўсимликларнинг ривожланиши, кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Ишнинг асосий мақсади: Ерга минимал ишлов бериш ва анъанавий технологияларини ўсимликларнинг ривожланишига таъсирини таҳлил қилиш.

Олинган натижалар ва уларнинг илмий таҳлили.

Тажриба Тошкент вилоятининг Юқори-Чирчиқ тумани “Гулистон” КФЙ Лубзавод-3 массиви “Обод “ маҳалласи “Агроэкопроф” фермер хўжалигида бўлиб ўтди. Тажриба ўтказиш давомида биз учун ажратилган ерга фасол ,мош, маккажўҳори, ўсимликларини экиш орқали анъанавий экиш усули билан “0” ишлов бериш усулини афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш учун фаолият олиб бордилди. Тажриба жараёнида ерга экин экишда ҳар икки экиш технологиялари яъни “анъанавий ” ва “минимал ишлов бериш” қўлланилгандан сўнг олинган натижаларга эътирозлар шубҳа, бўлмаслиги учун статситикага мурожаат қилинди. Унга кўра ҳар икки экиш технологиялари орқали битта дала майдонига экин экилади. Ернинг ҳам унумдор ҳам паст кўрсаткичли ерлари бўладиган бўлса экиш усуллари учун бир хил тасодифий ҳудуд тўғри келади [2]. Шу йўл билан тажирибада ҳолислик таъминланади.(2-жадвал).

Минимал ишлов бериш орқали экишда фойдаланилган ўсимликлар

1-жадвал

№	Номланиши	Меъёри (1кг\га)
1	Маккажўҳори	30 кг/га
2	Ловия	45 кг/га
3	Мош	12 кг/га

Тажриба даласини тасодифий участкаларга бўлиниши схемаси.

2-жадвал

Маккажўҳори	Мош контроль	Ловия	Ловия контроль	Контроль –анъанавий экиш усулидан экилган ўсимликлар
Маккажўҳори контрол	Мош	Маккажўҳори	Ловия	
Ловия контроль	Маккажўҳори	Мош контроль	Мош	
Мош	Ловия	Маккажўҳори контрол	Маккажўҳори	
Ловия	Маккажўҳори контрол	Ловия контроль	Мош контроль	
Мош контроль	Ловия контроль	Мош	Маккажўҳори контрол	

Олиб борилган кузатишлар натижасида шуни айтиш мумкини ерга минимал ишлов бериш услуби кўлланилганда, буғдойдан бўшаган майдонга, ерга ишлов берилмасдан сомон устидан экин экилади. Бу орқали ерда қолган ўсимлик қолдиқлари ерга минирал ўғит сифатида таъсир этади. Бу ерда микроорганизмларнинг ривожланиши, тупроқ қатламида гумус ҳосил қилишга ёрдам беради. Анъанавий усулдан фарқли ўлароқ минимал ишлов бериш услубида ерда қолган ўсимлик қолдиқлари вегетация даврида сувнинг ортиқча буғланиб кетмаслиги ва ерга ортиқча филтрация бўлмаслиги учун махсус табиий қоплам вазифасини ўтайди. Дала майдонида экин экиш жараёнида ортиқча чанг кўтарилмайди атрофдаги ўсимликларга зарар етмайди.(1-расм). Буғдойдан бўшаган майдонларга, ерга ишлов берилмасдан экин экиш орқали, иккиламчи экин экишда сомон ёкилиши, бунинг таъсирида тупроқдаги фойдали бактерияларнинг қирилиб кетиши ва атмосферага чиқадиган катта ҳажмдаги зарарли газларни олди олинади.

Анъанавий экиш услуби орқали ерга экин экишда ер устки қатламга ишлов берилганда зарарли ҳашоратлар билан биргаликда фойдали бактериялар ҳам нобут бўлади. Анъанавий ерга ишлов бериш вақтида ҳавога жуда кўп миқторда чанг зарралари кўтариллади(2-расм) ва ернинг устки унумдор қатлами ўзгаради. Ерга минимал ишлов бериш усули анча соддароқ ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмайди, чанг зарралари кўтарилмайди ва ернинг унумдор қатламга таъсир ўтказмайди. Ерга анъанавий ишлов беришда буғдой ўрилгандан сўнг ер ернинг устки фаол қатламга ишлов берилди ва тупроқ юзаси учувчан бўлиб қолади.(3-расм).



1-расм. Ерга минимал ишлов бериш.



2-расм. Ерга анъанавий ишлов бериш.



3-расм. Анъанавий ва минимал ишлов бериш усуллари орқали ишлов берилган ерлар ҳолати.

Ерга минимал ишлов бериш ва анъанавий экиш услублари орқали экилган экинларнинг фенология маълумотлари олиб борилди. Олинган кўрсаткичлар жадвалга туширилиб, статистик усулда ҳисобланиб чиқилди.



Маккажўхори



Мош



Ловия

4-расм. Ўсимликлардан финология олиш жараёни.

Олинган маълумотларни DUNCAN нинг ўртача қийматни ҳисоблаш формуласидан фойдаланиб жадвалга жойлаштирилди.[1].

$$W_r = q'_\alpha (r, n_T - t) \sqrt{MSE \cdot \left(\frac{1}{n}\right)} = q'_{0.05} (r, 18) \sqrt{30}$$

Ерга анъанавий ва минимал ишлов бериш орқали экилган ўсимликларнинг ўртача статистик қийматлари.

3-жадвал

Анъанвий экиш усули натижалари ўртача қийматлари																
Ўсимлик тури	1 блок ўртачаси				2 блок ўртачаси				3 блок ўртачаси				4- блок ўртачаси			
	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули
Мош	7,72	4	4,16	0	13,5	8,2	5,56	0	29	12,69	7,53	0	8,4	5	5,3	0
Ловия	8,6	5,8	6,34	0	15	9	4,73	0	17,07	9,85	7,67	0	9,75	8	6,07	0
Маккажўхори	50,6	6	38,8	0	34,5	5	19,25	0	61,1	7	39,5	0	47,14	5,43	31	0
Ерга минимал ишлов бериш усули натижалари ўртача қийматлари																
Мош	18,45	8,1	5,31	0	28,9	13,30	8,30	0	15,65	10,65	5,7	0	15,72	8,96	5,66	0
Ловия	10	17	4,2	0	27,9	15	5,4	3	21	15	5,07	0,85	12	16,5	6,81	0
Маккажўхори	46,3	6	32,3	0	35,5	5	22,8	0	54,1	8	31,4	0	45,5	6,75	28,1	0

Ерга анъанавий ва минимал ишлов бериш орқали экилган ўсимликларнинг нисбий статистик қийматлари.

4-жадвал.

Анъанвий экиш усули натижалари ўртача қийматлари ўртачаси				
Ўсимлик тури	Блоклар орасидаги ўртачаси			
	Узунли	Барглр сони	Баргини узунлиги	Гули
Мош	14,65	7,4	5,6	0
Ловия	12,60	8,1	6,20	0
Маккажўхори	48,33	5,8	32,13	0
Ерга минимал ишлов бериш усули натижалари ўртача қийматлари ўртачаси				
Мош	19,68	10,25	6,24	0
Ловия	17,72	15,8	5,37	0,85
Маккажўхори	46,3	6,43	28,65	0

Олинган натижаларга таяниб шуни айтиш мумкинки ерга минимал ишлов бериш услуги нафақат иқтисодий балки ўсимликларнинг ривожланиши бўйича ҳам ўзини оқлай олади. Чет эл давлатларида тобора оммалашиб бораётган ушбу услуб ҳозирги кунда Хоразм вилоятида ташаббускор фермерларимиз томонидан амалга оширилмоқда. Ерга минимал ишлов бериш услуги республикамизда қўлланишилиши юқоридаги фикримизни тасдиғидур.

Хулосалар

1. Анъанавий экиш усулига нисбатан ерга минимал ишлов беришда ўсимликларнинг ривожланиш жараёни фаол бўлиши исботланди.

2. Ерга минимал ишлов бериш усулидан фойдаланиш орқали ерларимизни деградацияга учрашини олдини оламиз ва ер табиий ҳолатини тикланишига эришамиз.

3. Ерга минимал ишлов бериш услубини қўллаш орқали ўсимликларнинг вегетация даврида сарфланадиган сув миқдорини иқтисод қилишга эришамиз .

Адабиётлар

1. KWANCHAI A, ARTURO A, «STATISTICAL PROCEDURES FOR AGRICULTURAL RESEARCH». 349б. 1984

2 Ш.Нурматлов, Қ.Мирзажонов ”Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” 149 б. Тошкент 2007й.